

Ўзбекистон Президенти БАА делегациясини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруй бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон-БАА ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари олий даражада, энг аввало, савдо-иктисодиёт, инвестиция ва молия соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш борасида иккала томоннинг фаол саъи-ҳаракатларини мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистонда пандемия оқибатларини енгиб ўтишда Амирликлар хукумати томонидан кўрсатилган ёрдам учун самимий миннатдорлик билдирилди.

Ўз навбатида, вазир Суҳайл ал-Мазруй давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Халифа Ол Наҳаён, Абу-Даби Амирлиги валиҳади, БАА Қуролли Кучлари Олий бosh қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ва БАА Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди, шунингдек, мамлакатимизда БАА инвесторларининг фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани учун миннатдорлик билдирилди.

Суҳбатда хусусий инвестицияларни жалб қилган ҳолда, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва қайта ишлаш, Амирликлар бозори ва учинчи мамлакатларга етказиш бўйича агросаноат тармоғида қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Муқобил энергиядан фойдаланиш соҳасида, энергетика ва бошқа муҳим инфратузилма обьектларини модернизация қилиш, замонавий меҳмонхона мажмуаларини барпо этиш бўйича йирик лойиҳаларни фаол ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давом эттиришга, шунингдек, янги ишбилармонлик ташабbusлари доирасида инвестициялар портфелини кенгайтириш ва молиявий-техник қўмак дастурларини рўёбга чиқаришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, таълим соҳасида самарали ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда Бирлашган Араб Амирларининг етакчи ташкилотлари иштирокида бошқарув соҳасида миллий кадрларни тайёрлаш муҳим экани таъкидланди.



Ozobekiston Respublikasi Prezidenti
MATTBU OT XIZMATI



Манба